

Биродарлар! Сўнг асрларда олами исломнинг умуман, Туркистоннинг хусусан бошиндан ўткардиги фожеаларни бир-бир санасак, неча жидд китоб бўладир ва бу фожеаларнинг бошлича сабаби билимсизлик, жаҳолат, мухокамасизлик, бир-бировга суи зан (бадгумонлик), бир-бировга ишонмаслик, бирон каттарок ё мўйсафид одам хар нима деса ани Худо тарафиндан келган вахийдек билмакликдан иборат эди. Нодонлигимиз шу даражададирки, асрлардан бери ислом олами, Шарк дунёсининг бошига кандай фалокатлар кедди, бу фалокатларнинг сабаби кимлар ва нима эдикини билмаймиз. Холо хам билмасликимизга давомат килмоқдамиз. Ўтган асрларни бир ёкка кўяйлуқ, ёлгуз шу кейинги тўрт-беш йилда Туркистонда нималар бўлди, хабаримиз йўқ. Холбуки, орамизда мундан олтмиш йил бурунги холларни кўзи билан кўрган, рус ҳукумати мустабидаси билан мулокот воқеаларда иштирок килгон қарияларимиз кўб. Лекин бечора қарияларимиздан у фожеаларнинг сабабини сўрасак, «Фалон одамлар русларга тил берди, фалон авлиёнинг руҳи қойиди ёки фалон девона айтдики, хизр Илёс рус аскарларига пешдорлик килмоқдадур. Шунинг учун таслимдан бошқа чора йўқ эди...»дек сафсата сўзлар сўзлайдилар.

Ҳақиқат хол нима эканлигига бир мисол бўлсун деб, қискагина бир нарсга ёзаман. Рус аскарлари Туркистон ҳудудини ошиб, Авлиётани ишғол қилаётган вақтинда мағрур амир Музаффарнинг яққа мақсади Хўканд хонлигини махв этмак эди. Анинг зимнича, Хўканд хони ҳилофи шаръий ишлар қила эмиш. Шунинг учун шариатнинг ягона эгаси бўлгон Бухоро ҳукуматия Хўканд хонлигини махв этмак фарз эмиш. Хўканд хонлиги эса гох Худоёрхоннинг тарафини олиб, гох Мусулмонқулига пабрўлик қилиб, гох билмам қайси эшони миённинг истихорасига имон келтируб, бир-бировини сўкмак билан овора эди. Иш шу даражага етдики, рус козоклари Тошканд шаҳрини ишғол қилдиги вақтда, амир Музаффар шариат исминин Хўкандни таламоқ, хотун-қизларни номуссиз қилмоқ билан машғул эди. Анинг зимнича, биринчи фурсатда Хўканд аҳолисидан ўч олмақ лозим эди. Аммо руслар бўлсалар, шариат исминдан мухораба қиладургон амир Музаффар аскарининг қаршусинда тура олмай, Оренбургдан нари ёкка қочиши аниқ эди.

Лекин иш амир Музаффар ўйлагонча чиқмади. Тошканддан кейини Хўжанд, Ўратепа, Жиззах, Янги Кўргон, Самарканд бири орқасиндан бири кета бошлади. Бу вақт эътиқодлар бошқаланди, бу мағлубиятларнинг сабаби, ҳикмати изланди: «Рус аскарининг олдайинда хизр Илёс, билмам яна қайси дажжол раҳбарлик қила эмиш. Шунинг учун бу мағлубиятларга биз туркистонлиларнинг ҳсч даҳлимиз йўқ эмиш».

Баъзиларнинг зимнича, бунинг сабаби ўзимизнинг аъмоли бадимиз эмиш. Дарвоқе, бу бир даража тўғри фикр. Лекин масала, бундаги қайси қисм амали бадимиз бунда бир қисм ишларда гуноҳкор бўлур. Лекин бу гуноҳ ўз шахсига оид бўлдиги учун анинг жазоси

киёматда мавкуфдир. Худо хохлаسا багишлар, хохласа жаханнамга юборур (у шариат хукми). Аммо бир кисм гунохларга банда анинг жазосини шу дунёда кўрур. Мисол, илмсизлик, ёмон ахлоқдек гунохлар.

Маалтаассуф, бизнинг мухтарам фахрийларимиз у фожеаларимизга аввалги кисм гунохларимизни сабаб кўрсата эдилар. Аммо, дархакикат, охирги кисм гунохларимиз, яъни нодонлигимиз сабаб эди. Нодонлик бир гунохдирки, анинг жазосини хар кимса шу дунёда кўрмакга мажбурдир.

У фалокатларнинг хакикий сабабларини тушунган, иш кўлдан кетмасдан бурун илож ва чорасига фикр юритган баъзи бир одамлар бор эди. Лекин у бечораларнинг кайсиси тилчилик, кайсиси ҳукуматга хиёнат, кайсиси Хўканд хонлиги, балки Шахрисабз бекига жосуслик гунохлари билан кесилдилар, осилдилар, зиндонларга солиндилар.

Улуг Туркистон парча-парча бўлуб, рус козоклари оёғи остинда эзилгандан кейин ҳам, биз бурунги ахволимизга давомат килдик. Келаси кунлар учун ҳеч бир хозирлик кўрмадук. «Бу хол билан кетаберсак, бир кун дунё юзиндан махв ва мункариз бўлурмиз. Шунинг учун фурсат ўткармасдан илм ва маърифатга ёпишмогимиз керак», деб орамиздан чикиб бизга насихат берган мутафаккирларимизни яна Бухоро амирининг, Бухоро уламосининг иш ва сўзларини ўзимизга далил килиб, шариат исминдан жонимиз борица илм ва маорифга каршу турдук. Агар бизга ақл ва муҳокама бўлса эди, эллик йиллик асорат замонида чор ҳукумати бизни канча кисса ҳам яна Туркистоннинг хар шахринда юзларча илмлик одамлар етишдира олар эдик. Бу инкилоб замонинда мунчалик хатолар, (одамсизлик)га учраб, фалокатларга гирифтор бўлмас эдик.

Эмди келайлук инкилоб замониға: биз бу нарсаға хозир эмас эканмиз, буюк Русия инкилоби бошланди. Яна ўшал мўйсафидларимиз, қариларимиз, уламомиз майдонға отилдилар. Хар нарсани ўзлари билдикича юритмокчи бўлдилар. Табиий, буларнинг билдиклари нарсалар мундан эллик йил бурундаги одамларнинг билдиклариндан ошук эмас эди. Ёшларимизга келсак, буларнинг бир кисми қариларимизнинг асорати остинда эдилар, бир кисмлари дуруст тарбиялари, етарлик илмлари ва тажрибалари бўлмадиги учун жиддий ишлар, инкилоб тошкунларини бажара олмас бир холда эдилар.

Керинский замони ўтди, ишчилар даврони келди, лекин яна биз олами хайратда на дейишимизни, нима қилишимизни билмасдан сарсон эдик. Қариларимиз ва тажрибакорларимиз «15 кун, бир ойда шўролар ҳукумати йўк бўлур», деб ҳукуматға

якинлашмадилар ва якинлашганларга шариат исминдан, билмам, кайси имон кароматиндан кўркуб йўл бермадилар.

Инкилоб ўсди, Русияни бутун ишгол килди, икки йилни тўддуруб учинчи йилга кадам босди. Москов йўли очилиб, Туркистонга инсониятпарвар ўртоқлар рахбар бўлиб келдилар. Туркистон аҳолисига ота-боболарининг эсларига келмаган ҳақлар берилди. Бу ҳақларга эга бўлмокка ярайдиган йигитлар етиштирмак учун мактаблар очилди. Миллионлар билан окча сарф килинди ва сарф килинмокдадир. Асоратдан кочиб ватанларига бораётган усмонли кондошларимиз бизнинг жаҳолатимизга жонлари куйиб, муваккат бўлса-да, бир неча кун бизга раҳбарлик килмок учун Туркистонда тўхтаб фидокорона хизматларга киришдилар. Усмонли кардошларимиз ёлғиз илм жихатдангина эмас, хатто, ҳукумат ва фирка ишларига киришиб сиёсий жихатдан ҳам бизга раҳбарлик килмокдалар.

Осмондан тушган шунча давлат, шунча тахт, шунча ҳуқуқ, шунча имтиёз муқобилинда биз нима килаётирмиз? Биз яна 50 йил бурундаги эски жаҳолатимиз, эски суизанимиз (бадгумонлик), эски соддалигимиз (таъбири маъзур кўрилсун) эски акдсизлигимиз билан ҳар нарса ўзимизча маъно бериб, халқни ташвишга, ёшларни жаҳолат ва ахлоқсизликга солиб шундок ганимат ва тор бир фурсатни бўш ўтқариб, туркистончиларнинг келаси кунлари учун гўр казмокдамиз.

Хотирларга бўлса керак, ўтган йил мактаб болаларини фанний саёҳат учун рўйхат килаётгондаги «бизнинг болаларни солдат кила эмиш», деб 8-10 яшар болаларни мактабдан кочируб боғларга элтиб ёшурдик. Таҳрири нуфус (аҳолини рўйхат) вақтинда «Худо урди! Солдат бўлиб ўлармиз?» деб йигитларимизни Шаҳрисабзларга, Каршиларга, Бухороларга кочирдук ва неча кун орадан ўтди, ҳеч ким солдатликка олинмади. Худуд коравуллари қўлларига тушиб турмада камалгон йигитлар ҳам озод килиндилар. Шаҳрисабзга қочгонлар оёғлари шишиб, балоларга гирифтор бўлиб «бозордан қайтгон инак»дек такрор Самаркандга келдилар. Буларга ҳам «Каерга кетиб эдинг!», деб ҳеч ким бир нарса сўйламади, бу алдангон қочқунлар қўб зарарларга, қўб фалокатларга учрадилар. Қўб акчалари сарф бўлди, Самаркандца хотун-болалари кишисиз қолди. Баъзилари, устига устак, Шаҳрисабзда 50 таёқ шаллок ҳам едилар. Ҳар нима бўлди-ўтди. Яна Ватанларига келдилар. Лекин буларни игво билгон нодонлар, буларни қочургон қарилар, буларни шунча фалокатларга учратган оталар қилгон ишларидан ҳеч ўълмадилар. Ўълмок нари турсин, у нолойик игволариндан ибрат олиб, мундан буён ақл билан иш қилмок, муҳокама қилиб сўз сўйламокни ҳам ўрганмадилар.

Мунча узун-узун сўз сўйлаб, ўқувчиларнинг бошларини огритдигимга сабаб бўлгон

кичкинагина бир хикоятни арз киламан. Маълумки, 1919 йил ёз фаслидан бошлаб Самарканд ҳам илмга интила бошлади. Мактаблар тартибга кўйилди. Мутаадид курслар очилди. Бу ишларга усмонли кардошларимизнинг, хусусан, эски шаҳар маориф мудир Сулаймон Сомий афандининг фидокорона хидматлари сабокот килди. Ўқувчилар ўзларини халқ назарига кўрсата бошладилар. Хусусан, «Олтой дарнаги» курсининг шогирдлари бутун Самарканд аҳолисининг диққатларини жалб килди. Бу жамиятнинг гимнастик, мусика ва тиётру учун бошка-бошка тўдаси бордир. Шу кунларда мусика тўдаси бир неча шаркийларни нўтасига табиқот чолмоқдадир. Бу мусикани доира ва нақорадан иборат билиб юрган, ёврополилардек мусика чалишни, ёврополиларга махсус бир хорка гумон қилиб келган биз самаркандлиларга катта ишдир. Бунинг учун канча қувонсак ҳақимиз бор. Лекин ишнинг ижоботи бошка ўринда, «Олтой дарнаги»нинг мусика тўдаси аъзолариндан бирининг онаси ўглининг ёврополикдек мусика чалишини кўриб, ўз қиска ақли билан ё бошка бир нодоннинг игвоси билан «Худо урди, энди ўғлим солдат бўлди», деб ҳукм қилмиш. Гўёки буларга мусика ўргатиб, фронтга юборур эмишлар. Ўқса, ёврополилардек мусика чалмок нимага керак эмиш. Шул эътиқодга биноан ўглини шаҳримизга қочирмокчи бўлмиш... Ай ахмок бобо! Агар шўролар ҳукуматининг фронтлари санинг ўғлингдек уч шаркийни зўрга чаладургон ўн икки нафар самаркандликка муҳтож бўлса эди, қачонлар шўролар дунёда йўқолиб, сан ва ман хотун-болаларимизгача ваҳший мутаассиблар, ажнабий аскарлар қўл остинда эзилиб, махв бўлур эдик. Шўролар ҳукуматининг икки миллиондан ошқ аскар ва шунга муносиб дасталари бор. Санинг ўғлингдек «нонхўр сарзободий» ҳеч қимнинг қазакига дору бўлмайду. Ўтган йилдаги ахмоқликларни эсинга кетур. Жондек гуноҳсиз ўғлингни ваҳший ҳамсоғлар қўлига ўз қўлинг билан топширма!

Ёшлар! Ай ёш йигирмадан ошган биродарлар, сизлар бундан буён мундақ ахмоқларнинг сўзларига қулоқ солманг. Бу фурсатларни ганимат билиб, илм йўлига югуринг. Ватанингиз, бу бекас Ватанингизнинг дардия даво бўладургон эр ва олим йигитлар бўлмокка қолишинг!

Ўтган йил шундақ оғуларга алданиб ватандан қочган, йўлда ушланиб, турмаларга қамалган бир неча биродарларингиз бу йил сизнинг жамиятингизнинг ишликли энг қоғал йигитларидандир. Уларнинг эларига ўтган йилдаги воқеа тушса қизариб, уёлалар, у ишларга сабаб бўлгонларга нафрат баён қилалар.

Сўзнинг қисқаси: бизга нодон одамларнинг маслаҳатиндан зарардан бошка нарсая теғмайду. У одамлар мундан сўнгра ақлга ҳам қелмайдулар. Сиз ўз пок вужудингиз, қаразсиз қўнглингиз билан иш қилинг! Ёшлар! Юртнинг умиди ёлғиз сизгадир!

*«Меҳнаткашлар товуши» газетаси, 1920 йил, 15 февраль*